

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



08.00.10-“Демография. Меҳнат иқтисодиёти”
иқтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ТОШКЕНТ - 2025

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2025 йил
“30” 10 даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети Меҳнат иқтисодиёти
кафедрасининг 2025 йил “30” сентябрдаги “6” - сон йиғилишида муҳокама
қилинган ва тасвир этилган

Кафедра мудири



DSc С.Б.Фойипназаров

Тузувчилар:

1. Г.К.Абдурахмонова – “Меҳнат иқтисодиёти” кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори.
2. С.Б.Фойипназаров – “Меҳнат иқтисодиёти” кафедраси мудири, DSc,
профессор.
3. И.А.Бакиева – “Меҳнат иқтисодиёти” кафедраси профессор
в.б., иқтисод фанлари номзоди.

Такризчилар:

1. Н.Қ.Зокирова – Г.В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали
“Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув” кафедраси
мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.
2. Н.Х.Рахимова – Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий фикр”
жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва илмий фаолиятни
ривожлантириш ва истиқболда унинг мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг
устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-
ахлоқий ғазилатларга эга, мушакил фикрлайдиган юкори малакали кадрлар
тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илмий-
тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, замонавий инновацион
технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал татбиқ
қилишни ривожлантириш долзарб масала бўлиб, республикада иқтисодиётни
янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилиб келинаётган
иқтисодий ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойён этмоқда.
Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни
амалга ошириш, ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар асосида
қайта жиҳозлаш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, қулай
инвестицион муҳитни шакллантириш, кичик бизнес, хусусий табиқкорлик,
хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини барқарор ривожлантиришда сезиларли
ютуқлар қўлга киритилди. Албатта, бунда мамлакат демографик
ривожланишининг ўрни катта бўлиб, ижтимоий манфаатларга йўналтирилган
иқтисодий мақсадларни амалга оширишда аҳоли, унинг ўсиши, жойлашиши,
демографик таркиби каби жиҳатларини бозор муносабатларига ўтиш даври
нуктаи назаридан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шундай экан, жамиятнинг
барча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига меҳнат тушунчаси нуктаи
назаридан ёндашиб, бу муаммоларни ҳал этишга меҳнат иқтисодиёти орқали
эришиш мумкин.

Юкорида таъкидланган фикрларнинг самараси ўларок, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 11 сентябридаги
“Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон ва 2022 йил 28
январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг
таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармонларида тадқиқот
йўналиши бўйича белгиланган муҳим вазифалар шунингдек, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий
техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини
ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли
қарори илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган
ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган
хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун
фойдаланиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Айниқса, республика тарихида биринчи марта 2019 йил 29 октябрда
қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият
тўғрисида”ги Қонун бу соҳани ривожлантиришда туб бурилиш ясаб, унинг
хуқуқий асосини яратди. Ушбу Қонунини қабул қилинишидан асосий мақсад

илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат¹.

“Демография. Меҳнат иқтисодиёти” ихтисослиги демографик жараёнларни, аҳолининг сон ва сифат хусусиятларини, аҳолининг такрор барпо бўлиш қонуниятларини, демографик ўтиш, демографик кексайиш, оиланинг иқтисодий фаолиятини, аҳоли жойлашиш жараёнини, аҳоли миграциясини, демографик прогноз ва демографик сиёсатни, меҳнат жараёнларини ташкил этишни ўрганишни, меҳнат салоҳияти ва меҳнат ресурсларининг шаклланиш жараёнини, меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш омиллари ҳамда захираларни аниқлашни, бозор механизми тизимида меҳнат бозорини таҳлил қилишни, аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлик муаммоларини, ходимлар меҳнатини баҳолаш ва иш ҳақини ташкил этиш тизимини аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш йўллари, чуқур ўрганиб илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

“Демография” фанининг предмети ва мазмуни

“Демография” фанининг предмети ва вазифалари. Аҳоли – демография фанининг объекти сифатида. Демографик таркиблар ва жараёнлар. Демографиянинг алоҳида фан сифатида пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда демографик билимларнинг ривожланиши. Демографиянинг тадқиқот усуллари. Демографиянинг тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Демография фанлари тизими: демография назарияси, демографик статистика, амалий демография, геодемография, геронтодемография, иқтисодий демография, математик демография, палеодемография, социологик демография, тарихий демография, тиббий демография, этник демография, ҳарбий демография ва бошқалар.

Демографик жараёнлар ва уларнинг инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга таъсири

Аҳоли – инсон ресурслари шаклланишининг асосий манбаи. Аҳоли тўғрисидаги илмий билимлар тизими. Демографик жараёнлар ва уларнинг асосий кўрсаткичлари. Хозирги даврда демографик ўзгаришларнинг сабаблари. Ўзбекистонда демографик изланишларни олиб боришнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари. Туғилиш, ўлиш, табиий ўсиш ва миграция. Аҳолининг ёши ва жинсий таркиби, иқтисодий демографик ҳолат. Демографик жараёнларни шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва шароитлар. Демографик омилнинг ўзгариб бориш муаммоси. Ўзбекистондаги демографик тенденциялар. Қишлоқ аҳолисининг сонини ошириб бориши. Демографик таҳлилнинг методологик тамойиллари.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун. <http://xs.uz/uzkr/post/ilm-fan-va-ilmij-faoliyat-togrisida>

Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар манбалари

Аҳоли рўйхати ва уни ўтказиш шартлари. Аҳолини рўйхатга олиш услуги. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари ва тамойиллари. Аҳолини рўйхатга олиш тартиби ва усуллари. Демографик жараёнлар: туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишни жорий статистик қайд этиш тартиби. Танлама тадқиқотлар ва аҳоли регистрлари. Аҳоли сони ва таркиби. Аҳоли сонининг ўзгариш омиллари. Аҳолининг мутлоқ сони. Доимий аҳоли ва унинг шаклланиши. Ўртача йиллик аҳоли сони. Демографик баланс ва унинг аҳамияти. Табиий ва механик ўсиши. Аҳоли сони динамикасининг нисбий кўрсаткичлари. Депопуляция жараёни ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Аҳолининг ортиқчалиги ва демографик портлаш муаммолари.

Аҳоли таркиби ва унинг тавсифий белгилари. Аҳолининг жинсий таркиби ва унинг шаклланиши. Демографияда жинслар мутаносиблиги кўрсаткичлари. Аҳолининг ёш таркиби ва унинг шаклланиш қонуниятлари. Ёш таснифи ва ёш аккумуляцияси. Қариш шкаласи ва унга бўлган ёндошувлар. Аҳолининг кексайиши муаммоси ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Аҳолининг оилавий таркиби. Оиланинг асосий вазифалари: демографик; ижтимоий; иқтисодий. Аҳолининг иқтисодий, таълим ва ижтимоий таркиби. Аҳолининг жойлашуви бўйича таркиби: қишлоқ аҳолиси; шаҳар аҳолиси. “Урбанизация”, “агломерация”, “субурбанизация”, “мегаполис” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Аҳолининг ўртача зичлиги. Демографик салоҳият: шаклланиши, омиллари ва ундан фойдаланиш.

Никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти

Никоҳ – демографик категория сифатида. Никоҳ доираси ва никоҳ ҳолати. Аҳолининг никоҳ таркиби ва унинг шаклланиш омиллари. Никоҳнинг мутлоқ сони ва уни ҳисоблаш усуллари. Никоҳнинг умумий, махсус ва йиғинди коэффициентлари ҳамда уларни ҳисоблаш тартиби. Никоҳга кириш ёши. Никоҳ салоҳияти ва унинг аҳамияти. Қайд қилинмаган никоҳ ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Ўзбекистонда никоҳ муносабатлари ва уларнинг ривожланиши. Ажралишнинг демографик моҳияти. Ажралиш жараёнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими. Ажралиш коэффициентлари ва уларни ҳисоблаш услуги. Ажралишга таъсир килувчи омиллар.

Аҳолининг туғилиши ва репродуктив майл

Туғилишнинг демографик мазмуни. Туғилиш тўғрисидаги ахборот манбалари. Туғилиш жараёнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими. Туғилишнинг умумий, махсус, ёш гуруҳлари, йиғинди коэффициентлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Туғилиш коэффициентларини баҳолаш мезонлари. Туғилишга оид маълумотларни таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар: реал авлодлар усули, шартли авлодлар усули. Ўзбекистонда туғилиш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар. “Репродуктив майл” тушунчасининг аҳамияти. Репродуктив майл таркиби. Протегенетик ва интергенетик интервал. Аҳолининг репродуктив майлига таъсир этувчи

омиллар. Репродуктив майл турлари: кўп, ўртача ва кам фарзандга эҳтиёж. Туғилиш иқтисодиёти концепцияси.

Аҳоли ўлими ва ҳаёт давомийлиги

Ўлим жараёни ва унинг демографик моҳияти. Ўлим сабаблари билан боғлиқ омиллар: эндоген, экзоген ва квазиэндоген омиллар. Эпидемиологик ўтиш концепцияси. Ўлимнинг тарихий типлари: қадимги, анъанавий ва замонавий. Ўлим сабабларининг халқаро таснифи. Аҳоли ўлимини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш усуллари. Ўлим коэффициентларини стандартлаштириш. Стандартланган ўлим коэффициентларини бевосита ва билвосита усулларда ҳисоблаш. Болалар ва чакалоқлар ўлими. Чакалоқлар ўлими даврлари: перинатал, неонатал ва постнеонатал. Чакалоқлар ўлими кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари. Чакалоқлар ўлими коэффициентларини баҳолаш мезонлари. Ўлим жадвали ва уни тузиш тартиби. Ўлим жадвали турлари: тўлиқ ва қисқа ўлим жадвали. Ўлим жадвалидаги асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари.

Аҳоли саломатлиги

“Саломатлик” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Жисмоний, психологик ва ижтимоий саломатлик. Саломатлик – ижтимоий-иқтисодий категория сифатида. Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар.

Аҳоли саломатлигини баҳолашга доир ахборот манбалари. Аҳоли орасида тарқалган касалликларни ўрганишнинг аҳамияти. Касалланиш турлари: бирламчи касалланиш; умумий касалланиш; юқумли касалликлар билан касалланиш, муқим ноэпидемик касалликлар билан касалланиш; меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб келадиган касалликлар; ногиронлик. Саломатлик индекси ва уни ҳисоблаш услубиёти. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш хусусиятлари

Аҳоли такрор барпо бўлиш хусусиятлари. Аҳолининг такрор барпо бўлишига таъсир этувчи омиллар. Аҳолининг такрор барпо бўлиш турлари: торайган; оддий ва кенгайган. Аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий кўрсаткичлари: яшовчанлик коэффициенти; табиий ўсиш суръати коэффициенти; аҳолининг айланма коэффициенти; аҳоли такрор барпо бўлишининг фойдалилик коэффициенти; туғилишнинг йиғинди коэффициенти; аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто ва нетто коэффициентлари. Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициентини баҳолаш мезони. Авлод узунлиги. Демографик ўтиш ва унинг босқичлари.

Аҳоли миграцияси

“Миграция” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик моҳияти. Миграция турлари: ташқи ва ички миграция. Аҳоли миграцияси кўринишлари: доимий, вақтинчалик, мажбурий, ички кўчирилган шахслар,

меҳнат миграцияси. Миграция шакллари: ижтимоий-ташкиллаштирилган; ижтимоий-ташкиллаштирилмаган. Миграция сабаблари: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, демографик, экологик. Миграцияни ҳисобга олиш усуллари ва кўрсаткичлари. Миграциянинг жадаллик коэффиценти. Аҳолининг миграцион ҳаракатчанлигини сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш.

Меҳнат миграцияси ва унинг сабаблари. Меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатлари. Меҳнат миграциясини тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграцияси агентлиги фаолияти. Ўзбекистонда миграция жараёнларининг ривожланиш тенденциялари.

Демографик қонуниятлар ва концепциялар

Демографик жараёнлардаги ўзаро боғлиқлик. Аҳоли ёш таркибининг туғилиш ва ўлимнинг умумий кўрсаткичларига таъсири. Туғилиш ва ўлимнинг ўзаро боғлиқлиги. Миграция ва аҳолининг такрор барпо бўлиши. Иқтисодий омилларнинг аҳоли ҳаракатига таъсири. Демографик жараёнларга ҳуқуқий меъёрлар, таълим, диний анъаналарнинг таъсири. Демографик концепциялар. Аҳоли ривожланишининг сон ва сифат жиҳатлари.

Демографик прогнозлаштириш

Демографик прогноз ҳақида тушунча. Демографик прогнознинг аҳамияти. Демографик прогнозлар таснифи. Демографик прогноз шакллари. Прогнозларнинг ишончлилиги ва аниқлиги. Аналитик, норматив ва функционал прогнозлар. Демографик прогноз турлари: қисқа, ўрта ва узок муддатли прогнозлар. Демографик прогнозларни амалга ошириш усуллари: экстраполяция, аналитик, ёшни силжитиш усуллари. Аҳоли сони ва таркибини прогнозлаштириш. Демографик жараёнлар: туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишни прогнозлаштириш. Аҳолининг оилавий таркибини прогнозлаштириш. Дунё мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони прогнозлари.

Демографик сиёсат

Сиёсат - ижтимоий жараёнларни бошқариш тизимида асосий унсур сифатида. Демографик сиёсатнинг таркиби: сиёсий-демографик муносабатлар; сиёсий-демографик фаолият; сиёсий-демографик институтлар; сиёсий-демографик манфаатлар; сиёсий-демографик ва ҳуқуқий меъёрлар.

Демографик сиёсатни ўтказиш шарт-шароитлари. Демографик сиёсат ўтказиш услублари: иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик.

Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат. Ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги демографик сиёсат. Ўзбекистонда давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсатнинг асосий хусусиятлари.

“Меҳнат иқтисодиёти” фанининг моҳияти, предмети ва мазмуни

Меҳнат тўғрисида назарий тасаввурлар тизими. Тарихий манбаларда инсон меҳнати ва фаолиятига бўлган қарашларнинг ривожланиши. Меҳнат тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Меҳнат ва фаолият тушунчалари. Инсон ва жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг аҳамияти. Меҳнат жараёнининг оддий таркибий элементлари: меҳнат предмети, меҳнат воситалари, фаолият технологиялари ёки меҳнат предметиға таъсир этиш усули. “Меҳнат иқтисодиёти” фанини ўрганиш босқичлари ва моделлари. “Меҳнат” ва “фаолият” тушунчаларининг ўзаро нисбати. Меҳнат предметларини ва ижтимоий муносабатни ўзгартириш жараёни. Меҳнат иқтисодиётининг таркибий йўналишлари. Меҳнат иқтисодиётининг даражавий бўлимлари ва муаммолари. Меҳнатға оид муносабатларни тартибға солувчи норматив хужжатлар. “Меҳнат иқтисодиёти” фанининг инновацион ривожланиш шароитларидаги вазифалари.

Меҳнат бозори: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиши

Меҳнат бозорининг қисқача тавсифи. Меҳнат бозорининг шаклланиш шарт-шароитлари. Меҳнат бозорининг турлари. Меҳнат бозорини тартибға солиш усуллари. Меҳнат бозорининг моделлари. Меҳнат бозорида касаба уюшмаларининг роли. Хорижий мамлакатлар меҳнат бозорлари ва уларнинг амал этиш хусусиятлари. Иқтисодиётни янгилаш ва модернизациялаш шароитида меҳнат бозорининг ишлаш механизми. Талаб ва таклифнинг ўзаро алоқадорлиги. Меҳнат бозорининг турлари, уларнинг сегментларға бўлиниши ва мослашувчанлиги. Меҳнат бозорининг моделлари. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари. Ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар. Меҳнат бозори субъектлари билан уларнинг вакиллари ўртасидаги муносабатлар. Иқтисодиётни янгилаш ва модернизациялаш шароитида меҳнат бозори субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатлар. Меҳнат бозорининг шаклланиши шарт-шароитлари. Меҳнат бозорини шаклланиш тамойиллари. Меҳнат бозорини шаклланиш омиллари: иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва демографик. Меҳнат бозорини тартибға солишни моҳияти. Меҳнат бозорида юзага келдиган ижтимоий иқтисодий муносабатлар ва уларни тартибға солиш усуллари. Меҳнат бозорида касаба уюшмаларининг роли. Меҳнат бозорини тартибға солишнинг ҳудудий усуллари. Сунъий интеллект таъсирида меҳнат бозорининг рақобатбардошлиги ва иқтисодий ўсиш динамикаси. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” доирасида янги иш ўринларини яратиш ва меҳнат бозори трансформацияси.

Меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклиф

Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши. Меҳнат ресурслари таркиби: ҳозирги пайтда фаол ва фаол бўлмаган аҳоли турларининг таснифи. Ёлланиб ишлайдиганлар ва ёлланмасдан ишлайдиганлар. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш,

жамиятнинг меҳнат потенциали. Меҳнат ресурсларини ёш жихатдан тузилиши. Меҳнат ресурсларининг сонини аниқлаш. Меҳнат ресурсларининг таклифи: оддий ва кенгайтирилган моделлар. Меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг шаклланиши. Меҳнат ресурсларининг таклифи: оддий ва кенгайтирилган моделлар. Меҳнат ресурслари таклифини миқдор жихатдан ҳисоблаш тажрибаси. Иш берувчиларни ишчи кучига мустақил талаби. Ёлланувчиларни иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлиги. Иш ҳақини унинг минимал миқдоридан кам бўлмаслиги. Ишчи кучига талабни ошириш. Ишчи кучи таклифини камайтириш. Ишчи кучи талабини қисқартириш. Ишчи кучи таклифи ва бефарқлик. Замонавий меҳнат бозорида иш ҳафтасининг қисқартирилиши. Меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш. Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш. Иш жойлари сонини кўпайтириш. Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш. Сунъий интеллект асосида кадрлар танлаш ва бошқаришнинг янги моделлари

Меҳнат потенциали

“Меҳнат потенциали” тушунчаси ва унинг назарияси. Меҳнат потенциалини белгиловчи кўрсаткичлар тизими. Меҳнат потенциалининг таснифланиши. Жамиятнинг меҳнат потенциали таркиби. Ҳар бир шахснинг меҳнат потенциали таркиби. Меҳнат потенциалини шаклланишида инсон омилининг роли. Меҳнат потенциалининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг шаклланиши. Меҳнат потенциалининг ҳозирги давр концепцияси. Меҳнат потенциалининг шаклланиш жараёнлари. Ўзбекистонда меҳнат потенциалига демографик омилларнинг таъсири.

Инсон капитали ва инсон тараққиёти

Инсон капитали ҳақида умумий тушунчалар. Инсон капитали назариясининг шаклланиши ва ривожланиши. “Инсон капитали” ва “инсон тараққиёти”га назарий қарашлар. Мамлакатни модернизациялаш шароитида инсон капиталининг моҳияти, аҳамияти ва ривожланиши. Инсоннинг ишлаб чиқариш лаёқатини таҳлил этиш ва меҳнатини баҳолашга оид дастлабки қоидалар. Инсон капиталининг активлари. Умумий ва махсус таълимнинг инсон капиталини ривожлантиришдаги роли. “Инсон капитали” тушунчасини ифодалашда инобатга олиниши лозим бўлган хусусиятлар. Инсон капиталига инвестициялар. Инсон капитали ва инсон тараққиётига назарий қарашлар. Инсон тараққиёти индекси ва уни ҳисоблаш услуби. Инсон тараққиёти ривожланиш даражаси бўйича мамлакатлар рейтингини аниқлаш. Сунъий интеллектнинг ривожланиши шароитида инсон капитали ва меҳнат қобилиятини ривожлантириш стратегиялари.

Иш билан бандлик: назария ва амалиёт

Аҳолини иш билан бандлиги бўйича классик ва неоклассик назариялар. Неоклассик назарияларида аҳолининг иш билан бандлиги масалалари. Аҳолини иш билан бандлиги бўйича ҳозирги замон назариялари. Аҳолини

иш билан таъминлашнинг таснифи. Иш билан бандлик – ижтимоий-иқтисодий сиёсат элементи. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунда белгиланган иш билан бандликнинг асосий тамойиллари. Аҳолининг иш билан бандлиги, унинг асосий турлари ва шакллари. Самарали иш билан бандлик. Иш билан бандлик соҳасида ижтимоий-демографик гуруҳлар. Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш йўналишлари. Рақмали иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолини иш билан бандлигини аҳамияти ва унга меҳнат бозорини таъсири. Янги иш ўринларини яратиш ва норасмий бандликни қисқартириш бўйича давлат чора-тадбирлари.

Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг иш билан бандлиги

Рақобатбардош бўлмаган аҳоли тоифалари. Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ногиронлиги бўлган фуқаролар иш билан бандлигининг кафолатлари. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш вазифалари. Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ёшларни ишбилан таъминлаш. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатида ёшларнинг иш билан бандлик масалалари. Ўзбекистонда ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар самарадорлиги.

Меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг мобиллиги ва миграцияси

Меҳнат ресурсларининг мобиллиги ва унинг турлари. Меҳнат ресурслари мобиллигига таъсир этувчи омиллар. Меҳнат ресурсларининг ҳудудлараро мобиллиги. Ўзбекистон аҳолиси таркибида шахат ва қишлоқ аҳолиси улушининг ўзгариши. Меҳнат ресурсларининг тармоқлараро мобиллиги. Корхоналарда меҳнат ресурслари мобиллигини тартига солиш. “Миграция” тушунчасининг мазмуни. Миграциянинг йўналишига кўра турлари. Меҳнат миграцияси: келиб чиқиши ва оқибатлари. Халқаро меҳнат миграцияси. Меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши.

Иш билан беқарор бандлик: шакллари, имкониятлари ва муаммолари

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва меҳнат муносабатларининг янги шакллари. Иш билан беқарор бандлик ва унинг турлари. Ижарага олинган (заёмный) меҳнат (loan labor). Масофада туриб ишлаш (телеиш – “Telework”. “TelecommuTINg”). Аутстаффинг (“out staff” – “штат ташқарисида”). Аутсорсинг (“outsourcing” – “ташки манба ва/ёки ресурсдан фойдаланиш”). Аутсорсинг (“outsourcing” – “ташки манба ва/ёки ресурсдан фойдаланиш”). Фриланс (“freelanc” – “эркин ёллаш”). Коворкинг (“co-working” – “хамкорликдаги меҳнат”). Краудсорсинг (“crowdsourcing, crowd” – “кенг доира” ва “sourcing” – “ресурслардан фойдаланиш”).

Касаначилик меҳнати ва унинг йўналишлари. Иш билан беқарор бандликнинг меҳнат бозорига таъсири.

Меҳнат бозорида давлатнинг иш билан бандлик сиёсати

Давлатнинг меҳнат бозоридаги роли. Давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солишнинг маъмурий, иқтисодий ва ташкилий усуллари. Давлатнинг иш билан бандлик сиёсати: фаол ва нофаол сиёсат. Меҳнат бозорининг инфратузилмалари. Меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш. Меҳнат бозорида хусусий воситачи ташкилотлар. Давлат ва нодавлат меҳнат миграцияси хизматлари. Меҳнат бозорининг касбий ва қўшимча таълим инфратузилмаси. Аҳолини ишга жойлаштириш тизимида давлат ва хусусий тузилмалар шериклигининг роли. Рақамли иқтисодиёт асосида иш билан бандликка қўмаклашиш

Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва камайтириш йўллари

Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар. Ишсизлик шартлари. А.Оукен қонуни. Ишсизликнинг тарқалиши ва ишсизлар ҳаракати. Ишсизликнинг давомийлиги. Ишсизлик бўйича нафақалар, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва намоён бўлиш хусусиятлари. Ўзбекистонда ишсизликнинг ўсиш сабаблари. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ишсизлик турлари: табиий, мажбурий, таркибий, фрикцион, даврий, яширин ишсизлик. Ишсизликнинг турли мезонлари бўйича таснифи. Сунъий интеллект даврида ишсизлик хавфлари ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш. Яшил инвестициялар ва уларнинг иш ўринлари барқарорлигига таъсири. Ишсизликнинг жамият ҳаётига таъсири. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. Ишсизларнинг ижтимоий ҳимоя қилишда Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармасининг ўрни. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари фаолияти. Ишсизларни касбга қайта ўқитиш ва таълим бериш тизимини кенгайтириш. Бўш иш жойлари ҳақида ахборотларни тарқатиш.

Меҳнатга бўлган рағбат, мотивация ва ҳақ тўлашни ташкил этиш

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва унинг барқарор ривожланиши. Аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар. Аҳолининг пул даромадлари ва уларнинг шаклланиши. Уй хўжалиги даромадлари ва харажатлари, уларнинг мақбуллаштириш йўллари. Номинал ва реал даромадлар. Иш ҳақининг иқтисодий моҳияти. Меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ўрнатишнинг бозор механизми. Иш ҳақининг вазифалари ва элементлари. Иш ҳақини ташкил этиш тамойиллари. Тариф тизимининг моҳияти ва элементлари. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий тамойиллари. Корхона ва ташкилотларда иш ҳақи жамғармасини режалаштиришнинг моҳияти, босқичлари ва асосий йўналишлари. Асосий ва қўшимча иш ҳақи. Иш ҳақининг ишбай ҳамда вақтбай тизимларини қўллаш. Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари. Энг

кам иш ҳақи. Меҳнатни рағбатлантириш. Иш ҳақини ислоҳ қилиш йўналишлари. Ўзбекистонда иш ҳақи сиёсати ва унинг аҳолининг турмуш даражасига таъсири.

Меҳнат самарадорлиги ва унинг омиллари

Меҳнат унумдорлиги – самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш усуллари. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашдаги маҳсулот ҳажми ва меҳнат сарфлари кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва воситалари. Моддий-техник омиллар. Ижтимоий-иқтисодий омиллар. Ташкилий-институционал омиллар. Меҳнат унумдорлиги ошиши заҳиралари: умумдавлат, минтақавий, тармоқлараро, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, жорий ва истиқболдаги заҳиралар. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари. Маҳсулотдаги меҳнат сиғими турлари. Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг нисбати. Энг юксак меҳнат унумдорлиги концепциялари. Сунъий интеллект асосида меҳнат самарадорлигини ошириш ва иш жараёнларини ракамлаштириш. Яшил технологиялар жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги ва бандлик даражасининг ўзгариши.

ХМТнинг Муносиб меҳнат концепцияси

Муносиб меҳнат категорияси шаклланиш босқичлари. ХМТ конвенциялари ва тавсиялари. Муносиб меҳнат иқтисодий категория сифатида. Муносиб меҳнат концепциясининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги. Муносиб меҳнат мезонлари асосида аҳолини иш билан таъминлаш. Жаҳонда иш билан бандлик ўртача даражаси. Жаҳонда ишсизлик даражаси ортишининг динамикаси. Муносиб иш ҳақи ва меҳнат хавсизлиги ва ижтимоий мулоқот-муносиб меҳнат васитаси сифатида. Муносиб меҳнатни ўлчаш ва баҳолашнинг олти. Муносиб меҳнат энг муҳим таркибий қисмлари. Муносиб меҳнат тамойилларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини уйғунлаштиришда жаҳон тажрибаси. АҚШ ва Европа Иттифоқида Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат концепцияси тамойилларига риоя этилиши. Муносиб меҳнат ҳолатини ҳисоблаш индикаторлари. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миқёсида муносиб меҳнат кўрсаткичларини мониторинг қилиш. Ўзбекистонда муносиб меҳнат талабларини жорий қилиш.

Меҳнат муносабатлари

Меҳнат муносабатларнинг моҳияти ва уларнинг турлари. Меҳнат шартномасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги қелишув. Меҳнат муносабатларида меҳнат шартлари. Тадбиркорлик фаолиятида меҳнат муносабатлари. Инновацион тадбиркорлик – меҳнат муносабатларининг замонавий шакли. Ҳар бир оила – тадбиркор. Оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари. Пенсия таъминоти: унинг моделлари ва хусусиятлари. Мажбурий меҳнатга барҳам бериш. Сунъий интеллектни жорий этиш шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва уларнинг тартибга солиниши

Ижтимоий меҳнат муносабатлари, уларнинг турлари ва тартибга солиниш воситалари. Давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида ижтимоий шериклик. Ижтимоий меҳнат муносабатларида давлат-хусусий шериклигининг роли. Ижтимоий меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш усуллари. Меҳнат фаолияти соҳасида халқаро стандартлар. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида меҳнат муносабатларининг тартибга солиниши. Сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг ижтимоий сиёсати. Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнатни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Меҳнатни бошқариш тизими. Меҳнатни бошқариш турлари ва методлари.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида меҳнат муносабатлари

Тараққиёт стратегиясининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ва меҳнат иқтисодиётидаги моҳияти. Меҳнат иқтисодиётида стратегия тушунчаси. “Рақамли иқтисодиёт” асосида иш билан бандликка кўмаклашиш. Меҳнат бозорини такомиллаштириш стратегияси. Янги иш жойларини яратиш бўйича давлат дастурлари.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2022 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрири– Т.: 2020 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун. <http://xs.uz/uzkr/post/ilm-fan-va-ilmij-faoliv-at-to-grisida-29.10.2019>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 11 сентябридаги ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони. 2023 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли қарори.
7. 2022-2026 йилларга ўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли фармони.
8. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: “FAN”, 2019 йил. - 670 б.
9. Qalandar Abdurakhmanov. Labor economics: Theory and practice. Textbook. Scientific Publishing House IVG. London 2020. 615 p.
10. G.K.Abduraxmanova. Mehnat iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi. 2020.-138 b.

11. Г.К.Абдурахманова. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. “FAN” нашриёти. Т.: 2021. – 691 б.
12. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue, David A. Macpherson. Contemporary Labor Economics. McGraw-Hill Education. Copyright © 2017. 640 p.
13. Абдурахмонов Қ.Х, Н.Т.Шоюсупова, И.А.Бакиева, Г.К.Абдурахманова. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Монография.Т.: Иқтисодиёт, 2016.-214 б.
14. Абдурахмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон таракқиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiya”, 2013.- 476 б.
15. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O’quv qo’llanma. – Т.: Noshir, 2011. – 296 b.
16. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2018.

